

№01-07/7
4.07.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов
2022 йил 4 июль

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши
7-сон БАЁНИ

2022 йил 4 июль

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиков, Ҳ.Исаев,
Д.Кучарова, А.Маманазаров,
Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

Д.Хамдамов, Г.Бобоева,
Д.Мадиева, С.Ҳақназаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси, “УЗА”
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
мухбири, “O`zbekiston 24” радиоканали
журналисти, “Mahalla” радиоканали
журналисти

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар марказий ҳамда вилоят, туман (шаҳар) давлат архивлари директорлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йиллик яқунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида (У.Юсупов).

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил II чораги учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида (У. Юсупов, Ш.Садиков, Х.Исаев).

Ш. “Ўзархив” агентлигида 2022 йил I йилликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида (Ш.Садиков, Д.Юсупов);

IV. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I ярим йилликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида (Ш.Садиков, Н.Анаркулова);

V. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ҳамда Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архивида ўтказилган ўрганишлар тўғрисида (У.Юсупов, Ш.Хожибоев):

- амалга оширилган ишлар бўйича раҳбарлар ҳисоботлари (Д.Райимжонов, Д.Маллаев, А.Маманазаров, Д.Кучарова, Б.Ахмедов).

VI. Давлат архивлари томонидан “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати тўғрисида (Х.Исаев, А.Зиятдинов).

VII. Турли масалалар.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

I. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йиллик яқунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг 2022 йил I ярим йиллик яқунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2022 йил I чорагига мўлжалланган режаси 21 та кўрсаткичлар бўйича бажарилиб, шундан 19 та кўрсаткич бўйича ошириб бажарилганлиги;

Хусусан, қоғоз асосидаги **135,5 минг** варақ ҳужжатлар таъмирланганлиги (2021 йил I ярим йилликка нисбатан 109%), **44,7 минг** с.б. ҳужжатлар муқоваланганлиги ва тикилганлиги (101%);

давлат архивлари томонидан қоғоз асосидаги ҳужжатлардан **7 971,8 минг** кадр (110%), **164** с.б. кино (101%), **12,1 минг** х.б. сурат (100%), **180** с.б. овозли (114%) ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилганлиги;

давлат архивларига **100,6 минг** с.б. бошқарув (96%), **193 с.б.** шахсий келиб чиқиш (96%), **22,2 с.б.** шахсий таркиб (94%), **632 с.б.** илмий-техника (351%), **48,5 минг** с.б. сақлаш муддати вақтинча бўлган (190%), **2,4 минг** х.б. сурат (87%), **250** с.б. овозли (99%) ҳужжатлар, шунингдек, шахсий таркиб давлат архивларига **3,2 минг** с.б. бошқарув (146%), **34,3 минг** с.б. шахсий таркиб

(112%), **9,7 минг с.б.** сақлаш муддати вақтинча бўлган (158%) **хужжатлар қабул қилинганлиги;**

давлат архивлари томонидан ташкилот ва корхоналарнинг **99,8 минг с.б.** бошқарув, **117 с.б.** илмий-техника, **25,2 минг с.б.** шахсий таркиб, **68,9 минг с.б.** сақлаш муддати вақтинча бўлган хужжатлар, шунингдек, шахсий таркиб хужжатлари давлат архивлари томонидан **4,7 минг с.б.** бошқарув, **49,8 минг с.б.** шахсий таркиб, сақлаш муддати вақтинча бўлган **53 минг с.б.** хужжатлар тартибга келтирилганлиги;

“Ўзархив” агентлиги ва ҳудудий бошқармалар томонидан 137 та вазирлик ва идораларда ҳамда ташкилотларда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати ўтказилганлиги, текширув натижасида ташкилот ва корхоналарга 111 та тақдимномалар киритилганлиги, 1 та текшириш материали жиноят аломатлари аниқланганлиги юзасидан Бош прокуратурага юборилганлиги;

республика архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 17,595 млрд. сўми ташкил этганлиги, шундан давлат архивларида 11,884 млрд. сўм, шахсий таркиб хужжатлари давлат архивларида эса 5,711 млрд сўми ташкил этганлиги;

Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш йўлида Қуддус шаҳрида 2022 йил 6 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Яд Вашем, Холокост қурбонлари ва қаҳрамонларини хотирлаш бошқармаси (Қуддус) ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум” имзоланганлиги;

Ўзбекистон ва Исроил пойтахтларида “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Республика яҳудийлар миллий маданий маркази томонидан “Ўзбекистонда яҳудийлар ҳаёти: тарихий даврлар кесимида” мавзусидаги кўرғазма ва илмий семинар ва давра суҳбати ташкил этилганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг 2022 йилга мўлжалланган Асосий иш режасида Агентлик тизимида **маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш** ҳамда **давлат тили қонунчилиги ижросини таъминлашга** қаратилган устувор вазифалар белгиланганлиги;

“Ўзархив” агентлигида давлат тилини ривожлантириш юзасидан **23 банддан** иборат **йиллик режа**, мазкур йиллик режа ижросини таъминлаш бўйича **4 та чора-тадбирлар** ҳамда **3 та назорат режаси** ишлаб чиқилганлиги;

жорий йил I ярим йиллигида жами Агентлик томонидан маънавий-маърифий йўналишда **7 та** конференция, **14 та** семинар, **9 та** давра суҳбатлари ташкил этилганлиги;

Давлат тилига доир қонун хужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғиб қилиш борасида Агентликнинг **2022 йил 8 январдаги** Ҳайъат йиғилиши ўтказилиб, давлат тили қонунчилигига риоя этилиши мониторинги кенг муҳокама этилганлиги, **28 нафар** архивчилар 2022 йил биринчи ярим йиллигида давлат тили бўйича малака оширганликлари **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Шу билан бирга, айрим ҳудудий бошқармалар томонидан белгиланган режалар бажарилмаган ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суратини оширишда сусткашликка йўл қўйилган.

Хусусан:

Андижон вилояти (Н.Зухриддинов) ялпи ўрганишни 59 фоизга, мавзули ўрганишни 17 фоизга, Сурхондарё вилояти (Б.Абдушукуров) мавзули ўрганишни 16 фоизга бажариб, 2022 йил 1 ярим йилликка белгиланган давлат архивлари томонидан ташкилотлар ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш **кўрсаткичи бўйича режа бажарилмаганлиги;**

Архив иши ва иш юритиш маркази (А.Рихсибоев) пуллик хизматини 20 фоизга бажариб, 2022 йил I ярим йилликка **белгиланган режа бажарилмаганлиги жиддий камчилик деб ҳисоблансин;**

Бошқарув ҳужжатларини қабул қилишни ўтган йилга нисбатан Қашқадарё вилояти (С.Бабақулов) 85 фоизга, Сурхондарё вилояти (Б.Абдушукуров) 44 фоизга **бажарилганлиги.**

Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмаётганлиги, хусусан, архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланган ҳолатларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилмаслик ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда суд органларига юбориш чоралари кўрилмаётганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

3. Андижон (Н. Зухриддинов), Сурхондарё (Б. Абдушукуров) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директори (А. Рихсибоев) белгиланган режалар **бажарилмаганлиги учун огоҳлантирилсинлар.**

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 10 июнь куни (48-сон баён) ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Агентликнинг тизимидаги ташкилотларида электр ва энергиясини сарфларини камида 30 (ўттиз) фоизгача қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида ишларни ташкил этсинлар;

2022 йилга белгиланган асосий кўрсаткичлар режаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олсинлар;

архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш сифатини кучайтирсинлар.

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил II чораги учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Ш.Э.Хожибоев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

5. “Ўзархив” агентлиги директори У.Ю.Осуповнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ахбороти, хусусан:

мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш учун амалга оширилаётган шиддатли ва кенг кўламли ислохотлар жараёнида мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, вазифалари ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлар орқали баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарори қабул қилинганлиги;

мазкур қарорларга мувофиқ:

а) вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг эътибори уларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ҳамда ўзларининг биринчи раҳбарлари томонидан юклатилган вазифаларни бажаришда сусткашликка, сансоларликка йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилиши;

б) вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгарлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдорлиги;

в) қуйидагиларни назарда тутувчи давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилиши белгиланганлиги:

давлат бошқаруви органлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланиши;

хар йили ижро интизомининг аҳоли юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга

эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли мониторинг қилиниши;

мониторинг натижалари асосида раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти танқидий таҳлил асосида тегишли давлат бошқарув органлари коллегиял органи ва хўжалик бирлашмаларининг кузатув кенгашларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ҳар чорак якуни бўйича муҳокама қилиб борилиши;

баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига баҳо бериш орқали уларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши;

г) вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги;

д) жорий этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тарзида амалга оширилиши белгилаб берилганлиги;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тасдиқланганлиги;

ё) давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича коллегиял орган йиғилишида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланиши, бунда, раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси:

70 фоиздан кам таъминланганда — “қониқарсиз”;

71 фоиздан 90 фоизгача — “қониқарли”;

91 фоиздан 99 фоизгача — “яхши”;

100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло” **деб баҳоланиши;**

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари Ш.Садиков ва Х.Исаевнинг ҳисоботи фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил II чорак бўйича бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари **маълумот учун қабул қилинсин.**

6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил II чорак бўйича бажарилиши **иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

7. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил II чорак бўйича бажарилишидан келиб чиққан ҳолда, директор ўринбосарларининг умумий самарадорлик кўрсаткичлари II чорак

бўйича Ш.Садиқов — **124** **фоизни** ташкил этиб, “аъло” ва Х.Исаев — **115** **фоизни** ташкил этиб, “аъло” деб деб баҳолансин.

8. Агентлик директори ўринбосарларининг эътибори уларнинг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканлигига қаратилсин.

9. Агентлик директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой якуни билан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот берилишини таъминласинлар.

10. Мазкур баён ижросини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан, Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолатини ҳар ой якуни бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, Агентлик Ҳайъати йиғилиши материалларини тайёрлаш Агентликнинг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш, архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими зиммасига юклансин.

Ш. “Ўзархив” агентлигида 2022 йил I ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиқов, Х.Н.Исаев, Д.З.Юсупов, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

11. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг 2022 йил I ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2022 йил I ярим йиллиги ижро ҳолати батафсил таҳлил қилинганлиги;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинганлиги ва 2022 йил I ярим йилликда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони жами 28 тани ташкил этганлиги, шундан, 25 таси Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиқовга, 3 таси Х.Исаевга тегишли топшириқлар бўлиб, топшириқларнинг барчаси белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан ижроси таъминланганлиги;

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари ва масъул бўлган ходимлар билан “Ijro.gov.uz” тизимидаги бажарилиши белгиланган топшириқлар ижро ҳолати ҳафтада икки маротаба (чоршанба ва жума кунлар) раҳбарият ҳузурида душанба кунлари йиғилишларда муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар бериб борилаётганлиги;

2022 йил I ярим йиллиги давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар 1734 тани, юборилган ҳужжатлар 822 тани ташкил этганлиги, 123 та асосий фаолиятга оид, 83 та шахсий таркибга оид буйруқлар ва 21 та фармойишлар ишлаб чиқилганлиги;

хисобот даврида Агентлик томонидан 92 та, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (4 та), Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари (16 та), Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари (42 та), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (30 та) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йилликка мўлжалланган Асосий иш режасида белгиланган 74 та топшириқдан 70 тасининг ижроси таъминланганлиги ва 4 таси бўйича қўшимча таҳлиллар талаб этганлиги боис муддати узайтирилганлиги;

2022 йил I ярим йиллиги давомида Агентликнинг асосий иш режасига мувофиқ Тошкент шаҳар, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида ижро интизоми ва иш юритиш бўйича ўрганишлар ташкил этилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

12. Шу билан бирга, “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режасининг 30-бандида Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари ижро назорати ва иш юритишга масъул ходимларнинг “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратида стажировка ўташларини ташкил этиш вазифаси белгиланган ва ушбу топшириққа мувофиқ Агентликнинг 2022 йил 17 февралдаги 01-27-06/208-сон хати асосида стажировкадан ўтказиладиган ходимлар рўйхати ва стажировка дастури тизим ташкилотларига юборилган бўлсада, белгиланган графикка мувофиқ **Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Хоразм вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари ва Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви ходимлари иштирок этишмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.**

13. Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари тизимидаги давлат архивларида ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра **қуйидаги камчиликлар аниқланди.**

Тошкент вилояти давлат архивида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги 206-сон қарори ижроси юзасидан Агентликнинг 2022 йил 26 апрелдаги 84-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган Бошқарманинг 2022 йил 29 апрелдаги 89-сон буйруғи архивга келиб тушган ва 2022 йил 30 апрель куни 01-06/64-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларида белгиланган тартибга асосан ушбу мазмундаги топшириқлар ижроси 3 кун этиб белгиланган бўлишига қарамадан амалда ушбу топшириқни ижро этиш учун 17 кун муддат белгиланиб, **амалдаги тартиб бузилган.**

Қибрай тумани давлат архивида йиғмажилдлар номенклатураси 2015 йилда ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги эксперт текширув комиссиясининг 2015 йил 25 декабрдаги 12-сон баённомаси билан келишилган. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқилганлигига 5 йилдан ортиқ муддат бўлишига қарамадан, **бугунги кунга қадар архивнинг йиғмажилдлар номенклатураси қайта ишлаб чиқилмаган.**

Фарғона вилояти Марғилон шаҳар давлат архивида ҳамда Чирчиқ шаҳар давлат архиви ва Чирчиқ шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивида Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан ишлаб чиқилган

буйруқлар архивга келиб тушганлигига қарамасдан ижрога қаратилмаган ва **тўғридан-тўғри маълумот учун қабул қилинган.**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар давлат архиви ва Чирчиқ шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивида 2022 йил давомида асосий фаолиятга оид буйруқлар қабул қилинмаган.

Тошкент шаҳар марказий давлат архивида arxiv.ijgo.uz орқали келиб тушаётган ҳужжатларга электрон реkvизит **қўйиш жорий этилмаган.**

arxiv.ijgo.uz орқали келиб тушаётган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда қабул қилиш ва жавоб хати киритиш **қониқарли даражада эмас.**

14. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиков, Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида **топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинлар;**

топшириқлар ижросини амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этсинлар, бунда марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва Ўзбекистон миллий архивларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсинлар;

топшириқларни бажариш бўйича **назорат ва ҳисобдорликни** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан **белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.**

15. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

ҳисобот даврида келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига ҳамда ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарор талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартибига қатъий риоя этилишига эътибор қаратсинлар;

тасарруфидаги қуйи ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мунтазам равишда ўргансинлар ва назоратга олган ҳолда натижадорлигини ошириш юзасида йиғилишларда танқидий муҳокама қилиб борсинлар;

ҳужжатларни рўйхатга олиш ва ижро интизомини таъминлаш тизимининг мавжуд камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалдаги тартибнинг бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсирчан чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларида белгиланган тартибга асосан Иш юритиш ва ижро интизомини ташкил этиш бўйича йўриқномаларини мазкур ҳужжатларга мувофиқлаштириш чораларини кўрсинлар.

16. Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи (Д.Райимжонов):

Назорат ва ижро интизомини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйган раҳбар ва ходимларни интизомий жазога тортиш масаласини кўриб чиқсин;

бир ой муддат кўрсатиб ўтилган камчиликлар бўйича тегишли зарурий чоралар кўрсин ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Агентликка маълумот киритсин.

17. Андижон (Н.Зухриддинов), Наманган (Н.Ахмадалиев), Фарғона (Д.Маллаев), Жиззах (С.Авлияхонов), Самарқанд (А.Маманазаров), Хоразм (Р.Матрасулов) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори (Б.Ахмедов) стажировка ўташи белгиланган аммо стажировка ўтамаган ходимларни 2022 йил III чораги давомида Агентлик марказий аппаратида стажировка ўташларни таъминласинлар.

18. Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

“Ўзархив” агентлиги тизим ташкилотларида ижро интизомини таъминлаш ва иш юритишни ташкил этишда методик кўмаклашиш амалиётини давом эттирсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифларни “Ўзархив” агентлиги директорида киритиб борсин.

IV. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I ярим йилликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиқов, Х.Н.Исаев, Н.У.Анарқулова, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

19. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2022 йил I ярим йилликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 июлдаги “Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилишининг 38-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 6 августдаги 294-сон буйруғи ва ушбу буйруқ билан Агентлик ва унинг тизимидаги архивларга келиб тушаётган мурожаатларни камида 50 фоизга қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги;

Агентлик марказий аппарати йиғилишида ҳафтанинг ҳар душанба кунлари мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини муҳокама этиб бориш амалиёти йўлга қўйилганлиги, шунингдек, Агентлик тизимидаги архив иши ҳудудий бошқармаларида ҳафтада камида бир марта давлат архивлари томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш юзасидан чоралар белгиланганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг жорий йилнинг 28 январь куни бўлиб ўтган Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши 2-сон баёни билан Ўзбекистон

Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизим ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволини танқидий кўриб чиқиш, натижадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси, “Ўзархив” агентлигида Жисмоний шахслар ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича 2022 йил I ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси ҳолатини ўрганиш жадвали тасдиқланганлиги ва унга кўра топшириқларни белгиланган муддатларда бажарилишига Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари шахсан жавобгар эканликлари белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 56-сон баёни ижросини таъминлаш ва унда белгиланган топшириқларни кўриб чиқиш мақсадида жорий йилнинг 21 апрель куни бўлиб ўтган “Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишининг 4-сон баёни билан Агентлик ва унинг тизим ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи танқидий кўриб чиқилганлиги ва тегишли кўрсатмалар берилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги туман, шаҳарларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари сайёр қабул қилиш жадвалларига асосан белгиланган вилоятларнинг чекка ҳудудларида аҳоли билан мулоқотлар ташкил этилди, тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар аниқланиб, сайёр қабуллар ва шахсий қабуллар амалга оширилганлиги;

хусусан, Агентлик директори ва ўринбосарлари томонидан жорий йилнинг I ярим йиллигида соҳага оид муаммоларни бартараф этиш, аҳолидан тушаётган такрорий мурожаатларни асл сабабларини чуқур таҳлил қилиш мақсадида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар давлат архиви, Жиззах вилояти Зомин тумани шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивида, Ғаллаорол тумани, Фарғона вилояти Сўх туман давлат архиви, Хоразм вилояти Хива шаҳар архиви, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман давлат архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви, Хоразм вилояти Хонқа туман давлат архиви, Самарқанд вилояти Самарқанд туман давлат архиви, Фарғона вилояти Олтиариқ туман давлат архиви, Сурхондарё вилояти Ангор туман давлат архиви, Навоий вилояти Қизилтепа туман давлат архиви, Тошкент вилояти Олмалик шаҳар давлат архивларида сайёр қабуллар ўтказилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги туман, шаҳарларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари сайёр қабули жадвалига асосан 12 та сайёр ва шахсий қабуллар ўтказилиб, жами **81 нафар** жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинганлиги;

“Ўзархив” агентлиги раҳбариятининг 2022 йилнинг II ярим йиллигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги шаҳар ва туманларда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари сайёр қабуллари жадвали тасдиқланиб, июль ойида Бухоро, Жиззах, Тошкент вилояти туманларида сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилганлиги;

шунингдек, Агентлик тизимидаги архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан сайёр қабул жадвалига асосан ҳудудлардаги чека туманларда соҳага оид муаммоларни бартараф этиш, такрорий мурожаатларни камайтириш чораларини кўриш юзасидан сайёр ва шахсий қабуллар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда, натижада 1 475 нафар жисмоний шахслар ва

юримдик шахсларнинг вакиллари қабул қилиниб, уларнинг муурожаатлари ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганлиги;

2022 йил 1 ярим йиллигида жами **490 тани** (2021 йил 1 ярим йилда 519 та) ташкил этаётганлиги, шундан: сайёр ва шахсий қабуллар 81 та, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасидан 287 та, Агентликка тўғридан тўғри ёзма 107 та, масъул ходимлар қабули 9 та, идоравий алоқа марказидан (ишонч телефони) 4 та, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг “Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 ишонч телефони” (Call-center)дан 2 та муурожаатлар келиб тушганлиги;

Республика давлат архивларига жами жисмоний ва юримдик шахслардан **1694 та** (2021 йилнинг 1 ярим йиллигида 3 879 та) муурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан, 830 та муурожаат қаноатлантирилган, 696 тасига тушунтириш берилганлиги, 146 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотга юборилганлиги ва ҳозирда 22 та муурожаат ижроси бажарилаётганлиги;

Агентлик ва унинг тизимидаги давлат архивларига 2022 йил 1 ярим йилликда келиб тушган жами муурожаатлар сони 2021 йил 1 ярим йилликда келиб тушган муурожаатлар сонига нисбатан **49,6 фоизга қисқартиришга эришилганлиги**;

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тезкор ахборот хизматини кўрсатиш мақсадида Агентликда идоравий алоқа маркази (ишонч телефони 55-503-01-50) фаолияти ташкил этилганлиги;

шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғида @arxivbot ва @antikor_arxivbot ботлари фаолияти йўлга қўйилганлиги, бу билан Агентлик раҳбариятига бевосита ижтимоий тармоқлар орқали муурожаат йўллаш имконияти яратилганлиги ва келиб тушаётган муурожаатларнинг деярли барчаси ижтимоий ҳуқуқий мазмундаги, яъни фуқароларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақини тасдиқлаш тўғрисида архив маълумотномаларини олиш бўйича сўровлардан иборатлиги;

жорий йилнинг 1 ярим йиллигида Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва унинг тизимидаги архивлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида жисмоний ва юримдик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказилганлиги;

2022 йил 1 ярим йилликда Республика архивларига **219,5 мингта** ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги (2021 йил 1 ярим йилликка нисбатан 42 фоиз) сўровлар (шундан давлат архивларига 105,6 мингта, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига 113,9 мингта) келиб тушганлиги, Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали 140,4 мингта, почта ва электрон почта орқали 30,6 мингта ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушганлиги, 48,5 минг нафар фуқаро бевосита архивга муурожаат этганлиги, архив ҳужжатлари асосида 168,2 мингта сўровлар ижроси бажарилиб, улардан 156,9 мингтаси ижобий, 11,2 мингтаси бўйича эса тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилганлиги, ташкилот ҳужжатлари архив сақловига келиб тушмаган ва тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган сўровлар сони 40,2 мингтани ташкил этганлиги;

шунингдек, 2022 йил 1 ярим йилликда Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали келиб

тушган сўровларда ижроси таъминланганлар сони жами 79,3 мингтани ташкил этганлиги, шундан, иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномаси – 39,7 мингтани, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганлигини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномаси – 9,7 мингтани, яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш тўғрисидаги архив маълумотномаси - 10,4 мингтани, мавзули сўровлар бўйича архив маълумотномаси – 18,9 мингтани ташкил этганлиги;

муурожаатларни ўз вақтида бажарилиши, шахсий ва сайёр қабулларни ўтказилишини шахсан назорат қилиб бориш ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар, ходимларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан Агентлик тизимидаги архив муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликка йўл қўйганликлари учун жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида **2 нафар** раҳбар ва масъул ходимларга **жиддий огоҳлантирилган** ва **18 нафар** шундан, 5 нафар раҳбар, 13 нафар масъул ходимларга **интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги** (Қорақалпоғистон Республикасида - 5 та, Андижон вилоятда - 8 та, Тошкент вилоятида - 2 та, Бухоро, Наманган, Сирдарё вилоятларида - 1 тадан) **маълумот учун қабул қилинсин.**

20. 2022 йил 1 чорак давомида жами **15 та такрорий** муурожаатлар келиб тушганлиги (*шундан 6 та такрорий муурожаат Агентлик ва унинг тизимидаги архивларининг ваколатига кирмайдиган такрорий муурожаатлар бўлиб, ушбу муурожаатлар тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилганлиги*), жумладан, Агентликка 5 та, Сурхондарё вилоятга 3 та, Самарқанд вилоятига 2 та, Андижон, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаларига 1 тадан такрорий муурожаатлар келиб тушганлиги;

муурожаатларда асосан фуқароларнинг иш ҳаққи тўғрисидаги, ер қарорлари тўғрисидаги маълумотлар ташкилотлар томонидан архивга топширилмаганлиги ва фуқаронинг архив ҳужжатларида фамилия ва исми чиқмаслиги ва ушбу масалаларни фуқарога тўғри тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги **такрорий муурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётганлиги;**

Агентликка жами **59 та шикоят** келиб тушганлиги (*шундан 24 та шикоят Агентлик ва унинг тизимидаги архивлар ваколатига кирмайдиган шикоятлар бўлиб, мазкур шикоятлар тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган*), жумладан, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари бўйича – 4 тадан, Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари бўйича – 3 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти бўйича – 2 тадан, Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятлари бўйича – 1 тадан шикоятлар келиб тушганлиги;

шунингдек, my.archive.uz орқали жами 2 501 та муддати ўтиб бажарилган сўровлар мавжудлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

21. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиқов), бўлим бошлиғи (Н.Анарқулова), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари “Ўзархив” агентлиги ва унинг ҳудудий ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни тизимли ташкил этиш, муурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлигини таъминлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш чораларини кўрсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаатини ўз вақтида, қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилиши юзасидан янада талабчанликни кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг, шунингдек такрорий мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини ўрганиш ҳамда келгусида уларни камайтириш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар;

жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш чораларини кўрсинлар, мурожаатларни, айниқса такрорийларининг ҳар бирини, ўз вақтида сифатли кўриб чиқиш юзасидан назорат ишларини кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда масъулиятсизлик ва юзакчиликка йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрсинлар;

раҳбарлар томонидан жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг (вакиллари) билан тасдиқланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказиш амалиётини давом эттирсинлар, қабулларда кўтарилган масалалар ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилишини таъминласинлар, муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўрсинлар;

Ҳайъат, дирекция йиғилишларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларнинг аҳволини мунтазам муҳокама этиб бориш ва тегишли таркибий тузилмаларда мониторинглар ўтказсинлар, қонунда белгиланган талабларни бузган масъул ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсинлар;

муурожаатлар бўйича иш юритишни янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш, муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсинлар;

тизим ташкилотларига нисбатан муурожаатлар билан ишлаш бўйича талабчанликни ошириш, уларга доимий амалий ёрдамлар кўрсатиш ва тавсиялар бериб бориш чораларини кўрсинлар.

V. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ҳамда Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архивида ўтказилган ўрганишлар тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Ш.Э.Ҳожибоев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, Д.Б.Райимжонов, Д.А.Маллаев, Б.М.Ахмедов, У.М.Юсупов)

22. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи Ш.Ҳожибоевнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ҳамда Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архивида ўтказилган ўрганишлар натижалари тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 13 июндаги 79^ш-сон буйруғига асосан тузилган Ишчи гуруҳи томонидан 16-24 июнь кунлари

Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ҳамда Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архивида ўрганишлар ўтказилганлиги, ўрганишда қуйидагилар аниқланганлиги:

1) Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архивларда қуйидаги камчиликлар аниқланганлиги:

Қибрай тумани давлат архивида доимий ҳужжатлар сақланадиган сақловхоналардаги стеллажлар, сигнализация, ёнғинга қарши қўриқлаш мосламалар умуман талабга жавоб бермайди, сақловхоналарда ҳужжатлар Архивда ҳужжатларни сақлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори 1-иловасининг 55,57-62-бандларига зид равишда тартибсиз ва ачинарли аҳволда ерда, шунингдек айрим ҳужжатлар сақловхонадан ташқарида сақланиб келинганлиги, мазкур ҳолат жойида бартараф этилганлиги;

Чирчиқ шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивида ҳужжатлар тартибсиз аҳволда ерда сақланаётганлиги, ҳисоб ҳужжатлари юритилмаганлиги, масалан, ҳужжатларнинг келиб тушиш китоби мавжуд эмаслиги;

худди шундай, **Зангиота тумани шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивида** ҳужжатлар тартибсиз аҳволда ерда сақланаётганлиги кўрсатиб ўтилсин;

2) Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архивларда қуйидаги камчиликлар аниқланганлиги:

архив бинолари мослаштирилган бинолар бўлиб, **реконструкцияга муҳтожлиги;**

Тошкент шаҳар марказий давлат архивида 2015-2016 йилларга оид вақтинча сақловдаги ҳужжатларнинг сақлаш муддати тугаган бўлсада, **архив сақловхонасида жой эгаллаб турганлиги;**

Архив ўқув зали фаолиятига оид аниқланган **камчиликлар ўрганиш жараёнида бартараф этилганлиги кўрсатиб ўтилсин;**

3) Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архивларда қуйидаги камчиликлар аниқланганлиги:

Самарқанд вилояти, Самарқанд, Булунғур, Пастдарғом, Нарпай туманлари, Каттақўрғон шаҳар давлат архивлари томонидан жамлаш манбаи рўйхатини тузишда Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (*рўйхат рақами 2360, 2012 йил 11 май*) **айрим талабларига риоя этилмаганлиги;**

Булунғур тумани давлат архиви томонидан айрим архив ҳужжатларининг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказишда Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (*рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март*) **талабларига риоя этмаганлиги;**

Нарпай тумани давлат архивида шахсий таркиб ҳужжатларига архив фондининг номи ва рақами, ҳужжатларнинг рўйхати, йиғмажилднинг тартиб рақами кўрсатилган ёрликлар ёпиштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин;

4) Фарғона вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги архивларда қуйидаги камчиликлар аниқланганлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги Низом талабларига риоя этилганлиги ўрганилганда вилоятдаги давлат архивларининг 870 та жамлаш манбалари ташкилотларида **идоравий сақлаш муддати ўтган 9,2 минг с.б. бошқарув ҳужжатлари сақланиб келинаётганлиги;**

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Қува ҳамда Фурқат туманлари архив муассасаларининг бинолари ва унинг ҳовлисида ўрнатилган, жойлаштирилган барча ташқи ёзувлар давлат тилида ёзилган бўлсада, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўғри **қўллашда хатоликлар мавжудлиги**, жумладан, “Сақловхона”, “Ҳужжатхона” сўзлари ҳар жойда ҳар хил ёзилганлиги, ўрганилган давлат архивларида давлат тилида лотин графикасида ёзилган ҳамда тартиб асосида ўрнатилмаган айрим баннер, тарғибот-ташвиқот материаллари янгиланган ҳолда давлат тилида ёзилган ҳолда **қайтадан ўрнатиб чиқилганлиги;**

шу билан бирга, давлат архивларида маълумотнома сўраб муурожаат этган 10 дан ортиқ фуқароларга айрим ҳолатларда “Архивная справка”лар берилган бўлиб, шунингдек, бошқа тилда берилганлиги сабаби **тушунтирилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин;**

5) Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архивида кўйидаги камчиликлар аниқланганлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарорига мувофиқ **иш юритувчи ходимларнинг малакаси оширилмаганлиги;**

режадаги 2 та ташкилотга **услубий ёрдам берилмаган**, шунингдек, услубий ёрдам кўрсатиш, ўрганиш масалаларида **ташкилотларга хат ўрганилган кунда юборилганлиги;**

шу билан бирга, 11-12-13-сақловхоналардаги турли **тарғибот ёзувлари, эълонлар бошқа тилда акс эттирилганлиги кўрсатиб ўтилсин.**

23. Тошкент (Д.Райимжонов), Фарғона (Д.Маллаев), Самарқанд (А.Маманазаров) вилоятлари ва Тошкент шаҳар (Д.Кучарова) архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви (Б.Ахмедов) директори:

давлат архивларида меҳнат фаолиятини олиб боровчи ходимлар ва фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида ишловчилар томонидан ташкилот ва корхоналар ҳужжатларини тартибга келтиришда, уларнинг Касбий компетентлик тўғрисидаги гувоҳномалари мавжудлигини, муддати ўтмаганлигини доимий хатловдан ўтказиб борсинлар;

ҳужжатларни тартибга келтиришда Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март) талабларига қатъий риоя этиш чораларини кўрсинлар;

жамлаш манбаи рўйхатларини Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби тўғрисидаги Низомига (*рўйхат рақами 2360, 2012 йил 11 май*) мувофиқлигини қайта кўриб чиқсинлар;

ташкилот ва корхоналардаги идоравий сақлов муддати тугамаган ҳужжатларни қабул қилишда ўрнатилган тартибда депозитар сақлов бўйича шартнома асосида қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

ташкilot ва корхоналардаги идоравий сақлов муддати тугаган архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

архивларда тартибсиз аҳволда ерда сақланаётган ҳужжатларни, белгиланган тартибда ҳужжатлар сақловини, шунингдек, ҳисоб ҳужжатларнинг юритилишини таъминласинлар;

архив ҳужжатларига архив фондининг номи ва рақами, ҳужжатларнинг рўйхати, йиғмажилднинг тартиб рақами кўрсатилган ёрликларни ёпиштирилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ иш юритиш ва ижро интизоми ҳамда ҳужжатлар айланмасини электронлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда иш юритиш йўриқномаларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар;

вилоят давлат архивларида маънавий ва маърифат хоналари, туман, шаҳар архивларида (хона етишмаган тақдирда) тегишли бурчаклар ташкил этиш чораларини кўрсинлар;

архивчилар ўртасида китобхонликни, тарихий, ноёб архив манбаларини ўқишни кучайтирсинлар;

ҳар ойдаги ишлаб чиқариш йиғилишларида маънавий-маърифий ишлар ҳолатини муҳокама қилиб борсинлар;

давлат тили қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, хусусан, давлат архивларининг пештоқлари, пешлавҳалари ёзувлари, деворий эълонлар, расмий иш қоғозларининг давлат тилида бўлишини таъминласинлар;

жорий йилнинг 1 октябрига қадар амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни Агентликка киритсинлар.

VI. Давлат архивлари томонидан “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, А.Зиятдинов, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

24. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Х.Исаевнинг жорий йил I ярим йилликда архив ҳужжатларини рақамлаштириш (электрон нусха яратиш) ишлари бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон миллий архивлари ва республика давлат архивлари томонидан жами **47,3 млн. кадр** рақамлаштирилганлиги, 2022 йил бошидан **7,9 млн. кадр** рақамлаштирилган бўлиб, I ярим йиллик режа 125,4 фоизга бажарилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори ижроси бўйича Агентлик томонидан кунлик мониторинг ташкил этилганлиги, жорий йил 1 июль ҳолатига давлат архивлари томонидан хатловдан ўтказилган жами қарорлар (қарор, баённома, буйруқ ва бошқалар) **460,8 мингтани** ташкил этганлиги, шу жумладан ҳокимлик қарорлари – **408,2 мингта**, ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарори – **24,2 мингта**, колхоз ва совхозларнинг ер ажратиш тўғрисидаги баённома

ва буйруқлари – **29,4 мингтани**, хатлов натижасида аниқланган қарорларнинг жами **287 мингтасининг** электрон нусхаси яратилиб, жами рақамлаштирилган кадрлар **1 252,9 мингтани** ташкил этганлиги, рақамлаштирилган ҳужжатларнинг электрон нусхаларининг **175,6 мингтаси** (61 %) туман сектор раҳбарларига тақдим этилганлиги;

“Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан, 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистон миллий архивлари ва давлат архивлари томонидан тизимда **44,5 мингта фонд**, **30,9 мингта рўйхат** (бириктирилган рўйхатлар сони **9,4 мингта**), **31,1 минг с.б.** ва **1,2 мингта ҳужжат** яратилганлиги ва **7,7 мингта кадр** бириктирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

25. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари **жорий йил II ярим йиллигида** “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни (фонд, рўйхат, сақлов бирлиги, ҳужжат, библиография) киритиш ишларини жадаллаштириш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар.

26. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Х.Исаев), бўлим бошлиғи (А.Зиятдинов), Бош бухгалтери (Ф.Суюнов) 2022 йил 2-чорақда “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотларни киритиш бўйича энг фаол ходимларни моддий рағбатлантириш юзасидан таклиф киритиш топширилсин.

27. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиков зиммасига юклансин.

Ҳайъат аъзоси:

Ш.Садиков

Х.Исаев

Д.Кучарова

А.Маманазаров

Д.Закирова

Баённома тузувчи:

Ш.Хожибоев

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини
ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан
тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил II чорак бўйича
бажарилиши**

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	II чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
1. Директор ўринбосари (Ш.Садиқов, архив хужжатларини такомиллаштириши масалалари бўйича)						
1.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини Давлат ҳисоби. Қабул қилинган фондлар ва хужжатлар ҳисоби.	минг сақлов бирлиги	30	54,8	182	аъло
2.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш.	минг сақлов бирлиги	70	80,5	115	аъло
3.	Миллий архив фонди хужжатларини идоравий сақловини ташкил этиш ва назорат қилиш.	минг сақлов бирлиги	36	53,3	148	аъло
4.	Давлат архивларида сақланаётган хужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш.	минг сақлов бирлиги	20	28,5	142	аъло
5.	Ташкилот ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорат текширувини амалга ошириш.	ташкилот сони	50	50	100	аъло
6.	Давлат архивлари томонидан ташкилотлар ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.	ташкилот сони	300	317	105	аъло
7.	Архивчи ва иш юритувчи кадрларни билим ва малакасини ошириш.	нафар	250	256	102	аъло

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	II чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
8.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	9	9	100	аъло
Жами					124	аъло
2. Директор ўринбосари (Х.Исаев, ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича)						
1.	Миллий архив фондидаги алоҳида хужжатларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	минг та	52,5	53	101	аъло
		минг кадр	3150	4516	143	аъло
2.	Бошқарув хужжатлари рўйхатларини рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	та	420	530	126	аъло
3.	Давлат архивларида замонавий ахборот технологиялари қурилмалари билан таъминланиши.	та	12	12	100	аъло
4.	Архив ходимларини ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш.	нафар	30	35	117	аъло
5.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	1	1	100	аъло
Жами					115	аъло